

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ШОСИҒА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ № 45—46 (2686—2687)
1994 йил, 17 июнь.

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
300 сўм.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ!

19 июнда инсонларга ҳаёт ва қувонч бахш этувчи касб эгалари — Тиббиёт ходимлари куни нишонланади. Ички ишлар ходимлари ва тиббиёт ходимларининг вазифалари ҳам, мақсадлари ҳам ниҳоятда ўхшаш — инсон хотиржамлиги, саломатлигини асрашдан иборатдир.

Республика Ички ишлар идоралари ходимлари саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган азиз тиббиёт ходимлари, сизларни шахсан ўз номидан ва Вазирлик ҳайъати аъзолари номидан касбий байрамингиз билан чин

қалбимдан табриклайман. Сизларга бахт-саодат тилайман, эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти.


Янги раис сайланди

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИВ фахрийлари кенгашининг йирилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Кенгаш раиси этиб Ички ишлар вазинининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофур Раҳимов

сайланди. Йирилганлар кенгаш иш-ни такомиллаштириш бўйича тадбир ва режаларни белгилаб олдилар.

Кенгашда Ички ишлар вазинининг ўринбосари ички хизмат полковниги Р. Х. Ҳайдаров иштирок этди. **Ўз мухбиримиз.**



ҲАМҚОРЛИҚДА ГАП КЎП

ТОНГДА ФАВВОРА сувини очишга келган ишчилар сув юзида қалқиб турган мурдани кўриб ҳангу манг бўлиб қолишди. У 9-10 ёшлар чамасидаги қизчагининг мурдаси эди. Ишчилар зудлик билан милицияга хабар беришди.

Юнусобод тумани ИИБ ЖКБ ходимлари фаввора сувини оқизиб ҳамда жасадни олиш чораларини кўришди. Сал нарироқда, пиллаполяр устида қизчагининг кийимлари ётарди. Афтдан, у бу ерга чўмилгани келган. Мурданинг шахсини аниқлаш мақсадида милиция ходимлари яқин атрофдаги мактаблар, болалар боғчаси ва касалхоналарда суриштирув ишлари олиб бордилар. Бироқ ҳадеганда натижа чиқармади. Болалар уйда ҳам "ҳаммаси жойида" эди. Кунлар ўтарди. Қизчагининг йўқолгани ҳақида бирон кимса мурожаат қилай ҳам демасди. Гўёки норасиданинг ҳеч кими йўқдай ёки кимдир ундан манфаатдордай. Орадан олти кун ўтаётки, калаванинг учи кўринмасди.

ДАНБ ходимлари милиция подполковниги И. Қалқонов, милиция майори У. Отабеков, милиция старшиниси А. Султонов, милиция сержанти Қ. Юсупов, туман ИИБ ЖКБ ходимлари — милиция капитани Б. Низомов, милиция катта лейтенанти Н. Ҳусанов, милиция лейтенанти Х. Собировларнинг сая-ҳаракатлари туфайли мурданинг шахси аниқланди. У Ҳамза туманида яшовчи, 1985 йилда туғилган Эйтибор экан.

... Темури жуда кўрққан, шу боис аниқ бирор нарса қилишга юраги дов бермасди. Ичидегини кимга айтиб,

кимдан маслаҳат сўрашни билмасди. Милицияга хабар қилсачи! Ахир 2 000 000 сўмни қаердан топади, кимдан қарз сўрайди, қарз-ҳаволани қайтариш керак-ку.

Боши қотган Темури охири милицияга хабар қилишга жазм этди. Уни ўлардек қилиб калтаклашган, соати ва пулларини олиб қўйишган, устига-устак, 2 000 000 сўм пул сўрашган. У зўравонларнинг қиёфасини чизиб берди.

Т. Аминовнинг аризаси бўйича 1975 ва 1977 йилда туғилган Зокир билан Филекс исмли товламачилар қўлга олинди.

Юнусобод тумани ИИБ ҳамда ИИВ ДАН бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ҳуқуқбузарликни камайтириш, жиноятларни очишга қаратилган тадбирлар ўтказиб турибди. Бу тадбирларда тезкор ҳаракатлар билан кўплаб жиноятлар фож этилмоқдаки, буни фақат табриклаш мумкин.

ДАНБ ходимлари милиция майори Т. Дадамирзаев, милиция катта лейтенанти М. Рихснев, милиция сержанти З. Солиевлар тадбирнинг илк бошланғичидаёқ "қуруқ" қайтишмади. Қидирувда бўлган 6 киши ИИБга келтирилди. Тадбирнинг учинчи босқичи ўтказилётганда, улар яна бир жиноятчини тутиб учун яқин вилоятлардан бирига жўнаб кетишди.

— Бугунги кун ниҳоятда маҳсулдор бўлди, — дейди ИИБ бошлигининг муовини Ф. Азизов. — Ходимларимизнинг қўли-қўлига тегмайди. "Тозалаш" тадбирида туман ички ишлар бошқармаси билан ИИВнинг ДАН бошқармаси ходимларининг

уюшган, аниқ ҳамда тезкор ҳаракатлари ҳуқуқбузарларни шошириб қўймоқда. Ҳар бир гуруҳимиз борган жойидан "қуруқ" қайтишмаяпти. Агар шу бугунги шижоат, дадиллик, тезкорлик тадбир охиригача давом этса, ўйлашимизки, шаҳримиз жиноятчи унсурлардан анча тозаланиб, осойишталигимиз таъминланган бўларди.

10 июндан 11 га ўтар кечаси Орилов кўчасидаги хонадонларнинг бирида ўғирлик содир бўлгани ҳақида хабар олинди. Уғрилар уй эгаларини дам олишга кетганидан хабардор бўлиб, жиноятга олдиндан пухта тайёргарлик кўришгани биллиниб турарди. Телефон, эшик кўнгирақларининг симлари узиб ташланган, эшик "кўзчаси" беркитилган. Хонадондан "Шарп-1" телевизори, "Шарп-1" видеоплейери, икки кассетали "Шарп-2" ва "Тошиба" магнитофони, "Кодак" фотоаппарати, 50 та видеокассета, 2 та аудиокассета, пул ва уй жиҳозлари ўмарилган. Буюмларнинг жой-жойида туришига қараганда жиноятчи бу уйни яхши билган, хонадонга кириб-чиқиб юрган.

Юнусобод тумани ва ИИВ ДАН бошқармаси ходимларидан иборат оператив гуруҳ ходимлари уй эгаларининг қариндош-уруғларидан бирини гумон қилиб адашмаган эканлар. Тезкор ҳаракатлар туфайли тонга яқин жиноятчиларнинг икки нафарни ушланди. Улар илгарти судланган, айни пайтда шартли жазо муддатини ўтаётган К. ва Е. исмли шахслар бўлиб чиқди. Дастлабки суриштирувдаёқ жиноятчилар қилмишларига иқрор бўлишди. Тергов ишлари давом этмоқда.

М. ИБРОҲИМОВА.

Себзор мавзесида ШМБ



СОБИР РАҲИМОВ тумани Ички ишлар бошқармасига қарашли 3-шаҳар милиция бўлими (ШМБ) яқинда таъмирдан чиққан собик мактаб биносига кўчиб ўтди. Йигирма нафардан ошмиқ милиция ходими куну тун хизматда бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳамда кўплаб миллатлар вакиллари аҳил яшаётган Себзор мавзеси ва унга туташган ўндан кўп маҳаллалар аҳолисининг осойишталигини муҳофаза қилмоқдалар. Улар хизмат кўрсатаётган ҳудудда қарийб 32 минг киши истикомат қилади.

ШМБ таркибида жиноят қидирув, жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати, навбатчилик қисми ходимлари бор. Ана шу ҳудудда шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 39 жиноят содир этилган бўлса, шундан 33 таси очилди, қолганлари бўйича фаол тезкор-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

— Жиноятларни очишга оид фаолиятда жиноят қидирув гуруҳининг раҳбари, милиция капитани М. Абдуғафуров, участка вакили, милиция катта лейтенанти Б. Саримсоқов, вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори, милиция

лейтенанти Д. Машарипов ва бошқа ходимлар ўзларини яхши томондан кўрсатдилар; — дейди ШМБ бошлиғи, милиция майори Д. Турсунов.

Х. ШОДИЕВ.
3-ШМБ навбатчиси, милиция майори Фарҳод Обидхўжаев ички ишлар идораларида 23 йилдан бери фидокорона хизмат қилиб келмоқда; янги ШМБ бошлиғи милиция майори Даврон Турсунов (юқорида чапдан) ва жиноят қидирув гуруҳи бошлиғи, милиция капитани Махмуд Абдуғафуров ишларини режалаштирмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

МУҲАРРИРИЯТГА МАКТУБ МИННАТДОРМИЗ

Шу йилнинг 14 апрель куни кечаси Крупская номидаги 1-ўрта мактабда ўғирлик содир бўлди. Номаълум шахслар ЭХМ-компьютер хонасининг эшигини очиб, темир панжарасини қайириб, ИВМ АТ-286 маркали ЭХМни, ўқитувчи ишлайдиган бошқарув машинасини ўғирлаб кетишган эди.


15 апрель эрталаб бу воқеадан хабар тошган туман Ички ишлар бўлими бошлиғи тезкор қидирув гуруҳи тузди. Жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция майори Убай Давлетов, инспектор, милиция капитани А. Абдилов, балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори, милиция капитани Н. Бегалиев,

эксперт Саркис Шахназар-янларнинг уч кечаю уч кундуз олиб борган ҳаракатлари туфайли ўғирланган компьютер топилиди. Жиноятчилар ушланди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Н. К. Крупская номи 1-ўрта мактаб жамоаси туман Ички ишлар бўлими бошлиғига ҳамда ЭХМни қидириб тошган барча милиция ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиради. Уларга мустаҳкам соғлиқ, халқ осойишталиги йўлида олиб бораётган савобли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

А. ДАДАЕВ,
Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳридаги Н. К. Крупская номи 1-ўрта мактаб директори.

Суратли хабар




Республика ИИВнинг суриштирув бўлими ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг суриштирув бўлими ходимлари жойларда бўлишиб, ички ишлар идораларининг шу иш билан шуғулланадиган ходимларга атрофлича йўл-йўриқ кўрсатиб, улар ишларининг сифатли ижро этилишида амалий ёрдам бериб келмоқдалар.

Суратда: Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг суриштирув бўлими инспектори, милиция майори Габдирауф Ҳасанов (чапдан) ва вазирлик суриштирув бўлимининг махсус ишлар бўйича катта инспектори, милиция майори Сайфулла Раҳматов ўрта Чирчиқ тумани ИИВнинг катта суриштирув инспектори милиция капитани Дилмурод Раҳимовга жиноий иш юзасидан кўрсатма бермоқдалар.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.



Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникаси даволаш бўлимининг мудираси Г. Ҳабибуллаева жорий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказмоқда.



(Чапдан ўнгга) Ички хизмат подполковниги А. Петросян бошлиқ бўлган муассаса ходимлари — ординатор шифокор Ф. Юнусов, тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Султонова ва рентген лаборанти В. Суходова рентген суратини кўздан кечирмоқдалар.



Ички хизмат полковниги Р. Қодиров бошлиқ бўлган муассаса тиббиёт бўлимининг стоматолог ички хизмат майори Т. Иброҳимов ва ҳамшира У. Орипова беморга тиббий ердан кўрсатишмоқда.



Ички хизмат полковниги Р. Қодиров бошлиқ бўлган муассаса тиббиёт бўлимининг терапевт шифокори А. Андрусенко даволашга ҳозирлик қурмоқда.



Ички хизмат майори А. Шодиев бошлиқ бўлган муассаса республика касалхонасининг психиатрия бўлими бошлиғи, ички хизмат майори Р.Қаҳқорова беморларни қабул қилишга тайёр.



Ички хизмат майори А. Раҳматуллаев бошлиқ бўлган муассаса тиббиёт бўлимининг ҳамшираси В. Игнатенко маҳкума аёллар дардига элик йилдан кўпроқ вақтдан бери ҳамдарддир.

— Суннат Толипович, вазирлик соғлиқни сақлаш хизматининг фаолияти ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибида шундай хизмат борки, фаолияти дастлаб қараганда кўзга яққол ташланиб турмасида, унинг аҳамияти жуда катта. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими ўз хизматини бошлаганда

ИИБнинг Марказий поликлиникаси ва Марказий госпитали жойлашган. Бундан ташқари, Республика ИИБ Ички қўшинлар бошқармасида ички қўшинлар шахсий таркибига тиббий-санитария ердани таъминлайдиган Ҳарбий тиббиёт бўлими мавжуд. Юқорида санаб ўтилган муассасалар фаолиятини ИИБ Тиббиёт бошқармаси мувофиқлаштириб туради. Бундан ташқари, бошқармамиз республика ИИБ

Дори-дармонлар ва диагностика материаллари билан таъминлаш тиббий муассасалар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бошқармамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Фармация” ассоциацияси, “Дори-дармон” ва бошқа қўшма корхоналар билан биргаликда ана шу режаларни амалга ошириш борасида катта иш олиб бормоқда.

— Ҳозир республика тиббий муассасаларида даволаш жараёнини ташкил этиш ва олиб бориш борасида мушкул аҳвол юзга келиб қолди. ИИБ шифохоналарида аҳвол қандай?

— Юқорида таъкидлаганимдек, биз яхши даволаш базасига, госпиталга ва вилоятларда касалхоналарга эгамиз. Бу шифохоналар беморларга терапевтик, жарроҳлик, неврологик йўналишларда, қўлоқ, томоқ ва бурун, кўз касалликларида ердан кўрсатади. Эришилган натижалар госпиталнинг физиотерапевтик бўлимида, Республика физиотерапевтика касалхонасида даволаниш билан мустаҳкамланади. Беморлар игна терапияси, минерал сув билан, балчиқ ердамида ва бошқа даволаш усуллари воситасида шифо оладилар. Диспансер ҳисобида турган беморлар кейин “Зарафшон” санаторийсида соғломлаштириш тадбирларига қатнашишлари мумкин. Лекин ходимларимиз соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш ва даволаш усуллари билан хилма-хиллиги борасида энг илгор шифохоналардан қолишмайдиган ана шу даволаш масканлари фаолиятдан доимо фойдаланмаяптилар.

Сир эмас, беморларни кўп сонли палаталарга жойлаштириш шарт-шароити доим ҳам даволаш учун ва дам олувчиларнинг олиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаяпти. Бу аҳволни яхшилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозир Намангандаги касалхона кенгайтирилмоқда, лекин марказий касалхона кенгайтириш масаласи ҳал қилинмай қолмоқда.

Бир қатор вилоят ИИБлари шифо масканлари қурилишига катта аҳамият бермоқда. Сурхондаре вилоятида тиббиёт хизмати янги бинога кўчиб ўтди. Урганч ва Гулистонда поликлиникалар қурилиши тугалланмоқда.

— Бугунги кунда бинокорлик иши қийинлашди. Бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўллари ҳам мавжудми?

— Мавжуд. Поликлиникалар қошида кундузги шифохоналар ташкил этиш борасида чоралар кўряпмиз. Бундай шифохона биринчи марта Марказий поликлиникада очилди. Бу хил шифохоналар ҳозир республиканинг бир неча вилоятларида ишлаб турибди. Бу ишни барча вилоятларда жорий этиш лозим, зеро Марказий

САЛОМАТЛИК ПОСЫОНЛАРИ

Тиббиёт ходимлари кун ичи арафасида таҳририят ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги С. ТОЛИПОВга мурожаат қилиб, вазирлик соғлиқни сақлаш хизматининг бугунги кун ичи ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

вазирлигимизнинг тиббиёт ходимларига мурожаат қилади. Кейин, табиийки, ички ишлар идораларида хизмат қилиш жараёнида бизга ўз соғлиғини, ўз оиласининг аъзолари соғлиғини муҳофаза қилиш борасида мурожаат қилади. Нафақа олиш ешига етганларида ҳам тиббиёт муассасаларимиз эшиги улар учун очик. Шунинг қўшимча қилиш лозимки, ИИБга ишга ёки унинг ўқув юртига ўқишга кираётган кишилар Тошкент шаҳрида, вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб турган ҳарбий-врачлик комиссиясидан ўтадилар. Ходимларимиз ҳар йили албатта профилактик текширувдан ўтказилади. Бунинг аҳамияти жуда катта, чунки текширув пайтида шифокорларимиз ҳар бир ходим, унинг оиласи аъзолари сўхат-саломатлигини чуқур ўрганадилар, текширув асосида яқка тартибда даволаш-соғломлаштириш тадбирлари режалаштирилади. Буни амалга ошириш учун идоравий соғлиқни сақлаш тармоғи ишлаб турибди.

Бу тармоқ нималардан ташкил топган? Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ, Қорақалпоғистон ИИБ таркибига тиббиёт бўлими ва хизматлари ишлаб турибди, уларда ҳарбий-врачлик комиссиялари, санитария-эпидемиология станциялари, поликлиникалар, амбулаториялар, саломатлик пунктлари, “Зарафшон” санаторийси мавжуд. Тошкентда

АТИБ ихтиёридаги ахлоқ тўзатиш-меҳнат муассасалари ва тергов ҳибсхоналари таркибига кирувчи тиббий бўлимлар фаолиятига раҳбарлик қилади. Тиббиёт бошқармаси таркибига бош мутахассислар (терапевт, жарроҳ, психиатр, нарколог, фтизиатр, кожвенеролог), Республика санитария-эпидемиология станцияси ҳам киради.

Ички ишлар ходимлари касалланишларининг олдини олиш ва уни энг дастлабки босқичларида аниқлаш борасида катта иш олиб боришмоқда. Бунинг учун Марказий поликлиникада, госпиталда, вилоятларнинг тиббий муассасаларида замонавий диагностик аппаратлар бор.

Бемор ходимларни даволаш учун бошқармамиз тегишли базага (госпиталь, касалхоналарга) эга, лекин уларнинг қуввати доимий даволанишга муҳтож кишиларнинг эҳтиёжларини қондирмайди. Бинобарин, ИИБ ходимларига ҳам, уларнинг оила аъзоларига ҳам хизмат кўрсатувчи тиббий муассасаларни кенгайтириш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Бухоро, Наманган вилоятлари ИИБ олдида касалхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида шунга ўхшаш муаммолар мавжуд. Барча Ички ишлар бошқармалари раҳбарияти олдида касалхоналарни, поликлиникаларни замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозлаш вазифаси қўйилган.

поликлиника таърибаси унинг самарадорлигидан далолат бермоқда. Идорамиз тиббиёт ходимлари ичида таърибали мутахассислар оз эмас. 5 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 6 нафари республикада хизмат кўрсатган шифокор, 98 нафари олий ва биринчи малака тоифасига эга.

Албатта, даволашда маъбул шарт-шароитни яратиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Марказий поликлиника базасида сув билан даволаш тизимини барпо этишга катта куч сарфладик. Бу ишда бошлиқ ўринбосари, ички хизмат майори Д. Ҳамидова ўзини яхши томондан кўрсатди. Ажойиб ташкилотчи ва моҳир шифокорлар қаторида Тошкент шаҳар ИИББ тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Х. Ҳакимов, Республика физиотерапевтика касалхонаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Т. Отамирзаев, Сирдарё вилоят ИИБ тиббий хизмат бошлиғи, ички хизмат подполковниги А. Отахоновни тилга олиб ўтмоқчиман. Вилоят Ички ишлар бошқармалари тиббий хизмат бошлиқлари — ички хизмат капитани А. Раҳимов (Анджон), ички хизмат капитани Т. Сафаров (Бухоро) ва ички хизмат катта лейтенанти К. Ҳурунов (Хоразм) фаолиятдан ҳамма хурсанд.

Кейинги вақтда Тошкент ИИББ поликлиникасининг тиббиёт ходимлари хусусида жуда кўп ижобий мулоҳазалар олмақдамиз. Мен ҳурмат-эҳтиромга лойиқ шифокорлар рўйхатини давом эттиришим мумкин, лекин, фикримча, бу ишни улар қўлида даволаётганлар қилса ўринли бўларди.

— **Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг тиббий хизмат билан таъминлаш фаолиятининг ўзига хос йўналиши ҳисобланади.**

— Бу ҳақда кўп гапириш ўринли бўлмасда, ушбу соҳада хизмат қилаётган шифокорларимиз фаолияти ҳақида албатта ҳикоя қилиш керак. Уларнинг вазифаси тергов ҳибсхоналари, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидаги тиббиёт-санитария хизматини таъминлашдан иборат. Белгиланган қондаларга кўра, тергов ҳибсхоналарига келтирилган шахслар шифокор томонидан текширилади ва бу натижалар асосида уларнинг соғлиғи кузатиб ва даволаб борилади. Ҳар қандай тиббий муассасада бўлганидек, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг тиббий бўлимларида ҳам клиник-биокимевий лабораториялар, рентген ховаси ва бошқалардан иборат зарур диагностика кабинетлари мавжуд. Беморларни турли соҳа мутахассислари қабул қилади, шифохоналар ташкил этилган. Озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳукм қилинганлар ҳар йили режадаги профилактик кўриклардан ўтадилар. Зарурат турилганда бу ишга маҳаллий соғлиқни сақлаш идораларининг мутахассислари жалб қилинади. Беморлар динамик диспансер назоратига олинади. Мавжуд сурункали касалликлари кучайган бемор маҳбуслар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари тиббиёт бўлимларининг шифохоналарига етказилади. Албатта, бу шифохоналарнинг имкониятлари чекланган. Шу сабабли гоҳида ихтисослаштирилган ҳолда даволани

мақсадида беморлар республика ИИБ АТИБнинг Республика касалхонасига юборилади. Бу касалхонада ихтисослаштирилган даволаш учун шарт-шароит мавжуд. У барча диагностика кабинетлари ва малакали мутахассисларга эга. Бу ер нафақат диагностик даволаш муассасаси, балки айни вақтда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари тиббиёт бўлимлари ва касалхоналарининг консультация-услубий маркази ролини ҳам бажаради. Шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу тизимда сил, таносил касалликлари, алкоғолизм ва гиёҳвандлик билан касалланганларни даволовчи ихтисослаштирилган муассасалар мавжуд. Бу ерда даволашнинг энг замонавий усулларидан фойдаланилади.

Оқорида таъкидлаганимиздек, судланганларни даволаш учун барча зарур шароитлар яратилган, лекин маҳкумларнинг тиббий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳамда уларнинг даволашига бўлган салбий муносабатлари бу ишни мураккаблаштирмоқда. Шифокорлар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги ўзига хос ишга пухта тайёрланганлиги сабабли улар ўзини елгондан касал деб кўрсатувчиларни дарҳол сезадилар. Мураккаб шароитда ўз касб бурчини бажарётган шифокорлардан ички хизмат катта лейтенанти Ш. Шюсупов, ички хизмат майорлари З. Саидвалиев, В. Тоғай, С. Калининларни алоҳида тилга олиб ўтишни хоҳлардим.

Маҳкумлар учун энг азиз ва ҳурматли кишига айланган тиббиёт ҳамшираси В. Игнатович ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасида 50 йилдан бери ишлаб келади. Шифокорлар ички хизмат майорлари В. Зиминова, В. Некратова, И. Эргашев, ички хизмат подполковниги М. Султонова катта эҳтиром ва обрў соҳибларидир. Соғайиб чиққан кўп маҳбуслар республика ИИБ АТИБ Республика касалхонаси шифокорлари — ички

хизмат подполковниги Р. Саидов, ички хизмат майори Р. Қаҳҳорова, Э. Аҳмедова, ички хизмат капитани Н. Мамедова, Л. Нехорошевага миннатдорчилик билдирдилар.

Махсус контингентнинг тиббий-санитария таъминотини ташкил этиш мураккаб муаммо ҳисобланади, чунки моддий-техника базасини яхшилаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, бўш қолган лавозимларни пухта тайёрланган тиббиёт кадрлари билан тўлдириш хусусида доимо бош қотириш керак бўлади. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари раҳбарияти бу масалаларни ўзининг доимий назорати остига олган.

Тергов ҳибсхоналари ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари шифокорлари ишининг ҳар йилги таҳлили шунинг кўрсатадики, ушбу муассасалардаги тиббиёт ишлари ўз тузулиши, штатлари, моддий-техника базасига кўра соғлиқни сақлаш идораларига қарашли поликлиника ва касалхоналардан фарқ қилмайди, лекин иш шакллари ва уни ташкил этиш бўйича, албатта, ажралиб туради. Масалан, соғлиқни сақлаш идораларида 1993 йилдан бошлаб юқумли, теританосил касалликлари ва силнинг ўсиши кузатилди. Бизнинг муассасаларда ҳам шундай ҳол қайд этилди. Алкоғолизм ва гиёҳвандликнинг ўсиши эса бизда анча юқори, чунки гиёҳвандлик ва алкоғолизмга мойил шахслар бизнинг муассасаларимизда жамланган.

Ҳозирги вақтда даволаш-профилактика муассасаларининг қувватларини кенгайтириш муаммолари билан бир қаторда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий, шу жумладан хорижий тиббий аппаратлар билан жиҳозлаш зарурлигини ҳис этиямиз, чунки шифокорларга кўпинча судланганларнинг юридик мақоми ўзгариши билан боғлиқ эксперт масалаларини ҳал этиш тўғри келмоқда.

— **Ички ишлар идораларига хизмат**

кўрсатувчи шифокорлар қаерда тайёрликдан ўтади?

— Шифокор қаерда ишлагани ва кимни даволагани, у Гиппократ қасамига содиқ қолади. Улар асосий тайёргарликни тиббиёт олийгоҳларида, Шифокорлар малакасини ошириш олийгоҳида оладилар. Бундан ташқари республика бўйича бир неча таянч муассасалар илғор таъриба марказлари сифатида белгиланган. Ҳозирги пайтда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг тиббиёт ходимларини тайёрлаш курсларини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилапти. Вазирлигимиз соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббиёт олийгоҳлари профессор-ўқитувчилари ва соғлиқни сақлаш идораларининг етакчи мутахассислари иштирокида анжуманлар, семинарлар мунтазам ўтказиб турилади. Улар шифокорларимиз ва беморлардан маслаҳатларини аямайдилар.

— **ИИБ тиббиёт хизматининг ривожланиш йўллари қандай?**

— Қийин савол. Агар илгарилари собиқ Иттифоқ ИИБ раҳбарияти бизнинг ўзига хос жиҳатларимизни, иқлим шароитини ҳисобга олмасдан ҳамма нарсани ҳал қилиб келган бўлса, энди ҳаммасини ўзимиз ҳал қилишимизга тўғри келади. Вазирлик раҳбарияти ердамида катта молиявий чиқимлар билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмоқда. Масалан, кейинги вақтда бир қанча ўта замонавий ускуналар харид қилинди. Вилоятлар ИИБ раҳбарияти шифокорларнинг муаммоларига бўлган муносабатларини ўзгартиради ва уларни ўрганиб, тиббиёт муассасаларини зарур нарсалар билан таъминлашни яхшилаш, автотранспорт ажратиш, ҳудудни ободонлаштириш ва биноларни таъмирлаш борасида амалий ердам кўрсатади деб ишонгим келади.

Барча тиббиёт ходимларига сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

ЯХШИ ИНСОННИ ХОТИРЛАБ

ИНСОНГА умр бир мартаба берилади. Бу умрни сермазмун ва беташвиш ўтиши унинг ўзига боғлиқ. Набижон ака Жўрабоевнинг умри сермазмун ўтди, аммо ташвиш билан ўтди, чунки у доимо эл ташвиши билан банд эди.

Халқда яхшидан ном қолади, деган бир ажойиб нақл юради. Балиқчилик Набижон ака Жўрабоев ҳам ўзидан кейин яхши ном қолдириб кетди, шунинг учун ҳам уни юртдошлари доимо ҳурмат билан эслайдилар.

Ўзининг меҳнат фаолиятини 1953 йилда оддий милиционерликдан бошлаган Набижон ака Омскдаги махсус милиция мактабини тугатиб, лейтенант унвони билан Холдевонобек туманида (ҳозирги Шаҳрихон тумани) участка вакили бўлиб иш бошлади. Ўша йиллари бу вазифада ишлаш Набижон ака учун қийин бўлди, чунки фуқаролар билан тил топишиш еш, таърибаси йўқ йигитга осон эмасди. Аммо Набижон ака қийинчиликлардан асло қўчимади, унга фуқаролар ердамга келишди.

Н. Жўрабоевдаги қобилиятни сезган раҳбарлар уни Балиқчи туманининг энг оғир бўлган участкасига вакил этиб юбордилар. Бу ишдан ҳам Набижон ака қўчимади, таърибасига суянган ҳолда иш олиб борди. Қаерда бўлса ҳам эл осойишталигини ўйлади.

У участка вакилигидан сўнг ҳозирги Шаҳрихон, Жалолқудук ва Комсомолобод туман Ички ишлар бўлимларининг паспорт столи бўлини маси бошлиғи лавозимларида ишлади. Махсус комендатурада бошлиқ, Мингбулоқ қишлоғида участка вакили, Бўз тумани ИИБ жиноят қидирув бўлини масида катта тезкор вакил, Балиқчи тумани ИИБ воёга етмаганлар билан ишлаш назориятида катта инспектор, кейин эса жиноят қидирув бўлини масида катта тезкор вакил бўлиб хизмат қилди.

Набижон ака қаерда ва қайси лавозимда ишлагани доимо эл ташвиши билан яшади. У ўзининг меҳнат фаолияти давомида тўғрини ҳам, ўғрини ҳам кўрди, ўғрининг қилмишига яраша жазосини берди, тўғрининг эса тўғрилигини исбот қилди.

— Бир куни дадам, — деб эслайди Н. Жўрабоевнинг ўғли Бахтиержон, — катта бўлсаларинг қайси касбни танламоқчисизлар, деб сўраб қолдилар. Биз Ихтиержон билан сиз каби милиционер бўлаемиз деган жавобни бердик. Ушанда дадамизнинг қанчалар қувонганлигини кўрсангиз эди. «Балли ота ўғиллар» деб елкамизга қоқиб қўйгандилар.


Бунга ҳам анча бўлди, отамизга берган ваъдамизда турдик, Ихтиержон иккаламиз Балиқчи тумани Ички ишлар бўлимига ишга кирдик, биримиз ҳозир оддий милиционер, биримиз эса навбатчилик қисмида хизмат қилаемиз. Отамиз тугата олмаган ишларни биз давом эттирамиз, улардек ҳалол ва пок инсон бўлиб хизмат қилаемиз.

Набижон ака Жўрабоев 1979 йилда нафақага чиққанидан сўнг ҳам тиш ўтирмади. Туман Ички ишлар бўлими фахрийлари кенгаши раиси бўлиб ишлади, билганларини ешларга ўргатди.

Афсус, Набижон ака Жўрабоев ҳозир орамызда йўқ, тирик бўлганида ўғиллари Бахтиержон ва Ихтиержонларнинг хизмат қилаётганини кўриб қувониб юрармиди.

Набижон акани хотирлаб Балиқчи, Бўз, Жалолқудук ва Комсомолобод туман Ички ишлар бўлимларининг ходимлари тез-тез унинг хонадонига таширф буюрадилар. Улар бир-бирларини Набижон акадек пок, ҳалол ва тўғрисўз бўлишга чақирадилар. Эл осойишталигини сақлаш борасида керак бўлса жонларини ҳам аямасликка сўз берадилар. Бунда Набижон ака Жўрабоевнинг руҳи доимо уларга мададқордир.

Жамилахон МАТМУСАЕВА, Анджон вилояти ҳокимлиги Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси мутахассиси.



Республика ИИБ Марказий госпитали дорихонасининг бошлиғи Ш.Султонов ва провизор-технолог О. Абдурахмонова дориларнинг микроблардан ҳолигини текширмоқдалар; Республика ИИБ Марказий госпитали дорихонаси ходимлари А. Назаров ва О. Поленова иш устида.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ госпитали базасида ички ишлар идоралари тиббиёт муассасаларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда ички ишлар идоралари бўлини маси, Ички қўшинлар бошқармаси ва Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси ишлаб чиқарилган корхоналарининг ет муассасалари, хусусан юқумли касалликларнинг олдини олиш ва аниқлашга

тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилини. Муҳокамалардан сўнг шифокорлар фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Суратларда: кенгаш пайти.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

ГИЁХВАНДЛИК моддаларининг тарқалиши муаммоси ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда, республика ички ишлар идораларининг амалий фаолияти ҳам бунга тасдиқлайди. Чунончи, ўтган йили Ўзбекистон бўйича у еки бу даражада гиёхвандлик моддалари билан боғлиқ 8,7 минг жиноят содир этилган — бу ундан аввалги йилдагидан 40 фоиз кўп. Оғуфурш жиноятчиларнинг энг хавфли тоифаси — гиёхвандлик моддалари сотувчиларни аниқлаш ва фош қилишга доир иш анча фаол олиб борилмоқда. Уларни сотишнинг 756 факти қайд этилди, бу эса ундан аввалги йилдагидан 2,5 баравар кўпдир. Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри нақлиёт ички ишлар идоралари қоникарли натижаларга эришдилар. Кўкнор ва наша экинзорларини аниқлаш ҳамда йўқ қилиш борасидаги хатти-ҳаракатлар самарадор бўлди, бунда республика ҳукумати ажратган маблағларга ижарага олинган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг вертолётларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга кўпгина раҳбарлар жиноятнинг ана шу хавфли турига қарши курашнинг аҳамияти катта эканлигини етарлича баҳоламайдилар. Гиёхвандлик моддаларини ноқонуний тайёрлаш ва тарқатиш жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асосларига, кишиларнинг соғлиги ва фаровонлигига етказадиган оғир оқибатларни ҳисобга олмайдилар. Бир қатор вилоятларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, оғу экучилар ва уни сотувчиларни, афюнхоналар эгаларини ҳисобга олиш ўлда-жўлда, гайриқонуний экилган насазор ва кўкнорзорларни аниқлаш фактлари бўйича жинойи ишларни кўзгаш паст даражада. Жинойи ишларни олиб боришда мусодара қилинган гиёхвандлик моддалари қаердан олиб келингани доим ҳам аниқланилавермайди, катта миқдорда гиёхвандлик моддаларини сотувчи ва минтақалараро алоқаларга эга бўлган жиноятчиларни фош этиш билан шугулланадиган тезкор тергов гуруҳлари ташкил этилмапти.

Ахволни тузатиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг БМТдаги нутқида баён қилинган мамлакатимизда гиёхвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашдаги қатъий позициясини ҳисобга олган ҳолда республика ички ишлар идораларининг ҳозирги йилда гиёхвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши курашдаги асосий комплекс чоратадбирлари дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу тадбир ўз ичига ташкилий, профилактик тадбирларни, оғу элтувчи экинларни гайриқонуний парваришлаш, гиёхвандлик моддаларини тарқатиш, кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш, шунингдек иш натижаларини умумлаштириш бўйича чораларни олади.

Гиёхвандлик моддаларини ташиш манбаларини бартараф

этишга доир куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ички ишлар идораларининг вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари Ички ишлар вазирликларининг гиёхвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши

қилишга доир иш давом этирилади. Бу иш кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Энди бевосита оғули ўсимликларни гайриқонуний етиштиришга қарши қаратилган чораларга келсак. Ҳукумат идораларига республика ИИБ томонидан “Қорадори-94” тадбирида фойдаланиладиган вертолётларни ижарага олиш

текширилмоқда.

ДАН масканларида автоулов, йўловчилар ва юклар кўздан кечирилмоқда, қўшни давлатлар билан чегаралардаги автоўлларни тўсишга алоҳида аҳамият берилмоқда, гиёхвандлик моддаларини қидиришда ўргатилган хизмат итларидан фойдаланилмоқда.

Гиёхвандлик моддалари

бўйича курслар ташкил қилинади, Франция элчихонаси билан келишиб, гиёхвандликка қарши кураш муаммолари бўйича тегишли маърузалар ўқиш учун ана шу мамлакат ИИБ ўқув юртлари ўқитувчиларини таклиф қилиш режалаштирилмоқда.

Май ойида бошланган “Қорадори” тадбирининг баъзи амалий натижаларига келсак. Шунинг таъкидлаш керакки, бу йил емгирларнинг кўп ёққанлиги, ҳаво хароратининг анча паст келганлиги таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган ўсимликларнинг етилиш жараёнини анча секинлаштирди. Шундай бўлсада бу йил ҳам республика ички ишлар идораларининг ходимлари олдида катта, қизгин иш туриши кўринмоқда.

Тадбир бошланган пайтдан бери оғу элтувчи ўсимликлар экилишининг 1010 факти қайд этилди. Афюн ташувчи ва таркатувчилардан 130 килограммдан ошиқ наша мусодара қилинди.

Шу кунларнинг тезкор маълумотномаларидан олинган бир нечта ибратли фактларни келтирмакчимиз.

Самарқанд вилоятидаги Ургут туманининг “Акрамобод” жамоа хўжалигида яшовчи нафақадор Аҳат Адан 50 килограмм кўкнор ва 3 килограмм наша топилди.

Тезкор-қидирув тадбирлари пайтида Бухоро вилоятидаги Қорақўл туманининг Охунбобоев номи жамоа хўжалигида яшовчи Фаррух Р.нинг томорқасидан 70 квадрат метрда кўкнор ва 38 туп наша топилди ва йўқ қилинди. Унинг ўйи қаралганда 7 килограмм наша ва бир килограммдан кўпроқ ишлов берилмаган кўкнор топилди.

Фаргона вилоятидаги Дангара туманида яшовчи Шодмон М. Наманган вилоятининг Поп туманида ижарага олган участкадан милиция ходимлари “ижарачи” томонидан 15 сотих ерда парвариш қилинаётган 6317 туп кўкнор ва 315 туп наша ўсимлигини топишди ва йўқ қилишди.

Ангор туманида “Шоликор” давлат хўжалигининг ишчиси Зарип Р.дан истеъмол учун тайёрлаб қўйилган қарийб тўрт килограмм наша топилди.

Оғуниинг анчагина қисми уни ташиш пайтида нақлиёт милицияси ходимлари томонидан мусодара қилинмоқда. Чунончи, Тошкентдаги Шимолий шоҳбекатда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан келган Темура С. бир килограммдан кўпроқ наша билан қўлга тушди.

Бухоро бекатида тезкор-қидирув тадбирлари пайтида Тошкент-Нукус поезида кетаётган Самарқанд дорилфунуни толиби Ҳафиз Н. ушланди, ундан 450 грамм ишлов берилмаган наша ва салкам бир килограмм наша топилди.

Тилга олинган фактларнинг қўлчилиги бўйича жинойи иш қўзғатилди, тергов олиб борилмоқда.

“Қорадори” деб номланган тадбир давом этмоқда. Газета ўз ўқувчиларини унинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб боради.

А. ВОРГУДЯЕВ.



Оғу элтувчи экинлар етилмоқда

“ҚОРАДОРИ-94” ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ КУЧ-ҲАРАКАТЛАРИ ОГУНИНГ ЙЎЛИНИ ТЎСИШГА ҚАРАТИЛГАН

кураш бўйича раҳбарларининг Москвада ўтказиладиган, Киев битимини амалга ошириш ва бундан кейинги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинадиган кенгашида иштирок этиш режалаштирилган. Гиёхвандлик моддалари устидан халқаро назорат бўйича БМТ дастури раҳбарлари билан биргаликда ишлаб чиқилган ва имзоланган ҳужжатда бундай моддаларни назорат қилишда республика ташкилотлари ва идораларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, уларни кучайтириш, жумладан мўлжалланган чораларни амалга ошириш учун валюта ажратиш кўзда тутилган.

Гиёхвандлик моддаларини тиббиётдан бошқа мақсадларда истеъмол қиладиган кишилар, жумладан вояга етмаганлар, шунингдек оғуфуршлиги учун илгари судланган шахсларни профилактик ҳисобга олишларни янгилаш ҳамда зарур талабларга мувофиқлаштириш, соғлиқни сақлаш идораларининг имкониятидан, маҳалла кўмиталари, қишлоқ кенгашлари ва бошқа жамоат тузилмаларининг оғуридан фойдаланиб зарурий олдини олиш тадбирларини улар билан бирга амалга ошириш белгиланди. Таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган доривор препаратларни уларнинг сақланиш жойларидан ўғирланишининг олдини олиш мақсадида дорихона омборлари, базалар, шифохоналарни кўриқлаш сигнализацияси билан мустаҳкамлаш назорат

учун маблағ ажратиш хусусида таклиф юборилди. Жойлардаги ички ишлар идораларининг ҳар бир бўлимида ушбу тадбирни ўтказиш учун куч ва воситаларни ҳисоб-китоб қилиш таъминланди, маҳаллий ҳокимият идоралари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик мутахассисларини жалб этган қидирув гуруҳлари тузилмоқда. Оғу элтувчи ўсимликларни экучилар ҳақида тўплаб бориловчи ахборот таҳлилини ҳисобга олиб, шунингдек об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда ҳам вертолётлардан, ҳам бошқа уловлардан фойдаланиб хизмат кўрсатаётган ҳудудларни текшириш графиклари ишлаб чиқилди.

Навбатчилик қилиш ва патрулликнинг келишилган режалари бўйича ҳудудий ва нақлиёт милициялари, божхоналар ходимлари томонидан гиёхвандлик моддалари ва улар тайёрланадиган хом ашёни гайриқонуний элтишга барҳам бериш мақсадида шоҳбекатлар, аэропортлар, дарё портлари ва кечувларда, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиш жойларида жамоатчилик иштирокида қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Гиёхвандлик моддаларини гайриқонуний сақлаш ва ташиш учун фойдаланиш мумкин бўлган поездларнинг почта-бағаж бўлиналари, рефрижератор секциялари ва бошқа объеклар назорат қилинапти. Нақлиёт корхоналарининг афюнни гайриқонуний ташишга ва бошқа ҳуқуқ бузишларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган хизмат кўрсатувчи ходимлари

тарқатилишига барҳам бериш мақсадида минтақалараро алоқага эга бўлган уларни сотувчилар ва ташувчилар тўғрисидаги ахборот МДХ мамлакатларининг Ички ишлар вазирликлари жиноят қидирув идоралари билан алмашинади, бунда уларнинг Ўзбекистондаги алоқалари ҳам аниқлаб олинади. Соғлиқни сақлаш идоралари билан биргаликда масъул шахслар томонидан дори-дармонлар ўғирланишини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида шифохоналар, дорихоналар, дорихона омборлари, илмий-тадқиқот муассасалари, “Тез ердам” станциялари таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган дори-дармонларни белгиланган тартибда сақлаш, юбориш ва улардан фойдаланишга риоя қилишлари текширилмоқда. Халқ таълими идоралари, жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда гиёхвандлик моддалари ва бошқа оғуларни суиистеъмол қилувчи вояга етмаганлар тўпланадиган жойлар, уларни насавандикка тортадиган катталарни аниқлаш иши кучайтирилди.

Кадр тайёрлаш иши давом этирилди. Ходимлардан бири Киевга юборилмоқда, у ерда АҚШ Адлия вазирлигининг гиёхвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши кураш шўъбаси мутахассислари машгулот олиб боришади. Республика ИИБ Олий мактаби базасида гиёхвандлик моддалари гайриқонуний айланишига қарши кураш бўлиналари ходимларини махсус қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

тузилди. Хоразм вилояти ИИБ ходимлари “Қорадори-94” тадбирида самарали иштирок этаптилар. Бу вилоятда кўп миқдорда насазорлар аниқланди. Ана шу вазифани бажариш учун ички ишлар идоралари ихтиёрида мавжуд бўлган автотехниканинг ҳаммасидан фойдаланилмоқда, вилоятнинг энг олисдаги ва бориш мушкул бўлган жойларини текшириш имконини берадиган вертолёт ажратиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Вилоят ИИБ аппарати ходимлари жойлардаги

Гиёхвандлик моддаларига йўл йўқ

ГИЁХВАНДЛИК моддаларини конунга хилоф тарзда тайёрлаш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши кураш олиб бориш Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати фаолиятида устивор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Милициянинг участка вакиллари еввойи ҳолда ўсиб етувчи, таркибида гиёхвандлик моддалари бўлган кўкнор ва наша ўсимликларини аниқлаш ҳамда

йўқ қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Май ойининг ўзидагина уларнинг бевосита иштирокида ана шундай ўсимликларни экиш билан шугулланган 727 киши аниқланди, оғу экилган ва еввойи ҳолда ўсиб ётган 10 гектардан ортиқ майдон тозаланди. Агар ана шулардан тайёрланган гиёхвандлик моддалари сотилганда эди, кишилар соғлигига катта зарар етказилган бўларди.

Афсуски, бунга ҳамма ҳам тушунавермайди. Хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари, агрономлар, бригадирлар еввойи ҳолда ўсиб ётган кўкнорни йўқ қилишга етарлича эътибор бермайдилар, холбуки қонун томонидан уларга ана шундай мажбурият юкланган. Кўрсатилган давр ичида юкорида номлари айтилган шахсларга нисбатан ўз зиммаларига юкланган лавозимга доир вазифаларни бажармаганлиги учун 73 та маъмурий баённома

ҳодимларга катта ердам беришмоқда, улар бошқарма бошлигининг буйруғи билан тузилган гуруҳ таркибида вилоятнинг оғу билан энг кўп захарланган туманларига уюшқоқлик билан бориб, ҳар бир қарич ерни синчиклаб кўздан кечирмоқдалар. Жамоатчилик билан тигиз ҳамкорлик йўлга қўйилди, аҳоли ҳам бу муҳим ишдан четда турмапти.

А. БРАЙЛОВСКИЙ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ катта инспектори, милиция майори.

ВАЗИРЛИК хайъати томонидан 1994 йилни Сифат йили деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинган республика ички ишлар идоралари ва бўлимлари шахсий таркибининг ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бинобарин, оддий ходимлардан тортиб

нинг учун, судлар томонидан ички ишлар идораларининг собиқ ходимларига доир чиқарган ҳукмлари хусусида аъъанавий шарҳлар, буйруқлар тайёрлаш, фавқулодда воқеалар бўйича хизмат текширишларига доир ҳулосалардан ташқари

аниқ-пухта чораларни ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш имконини берди.

Чунончи, амалий ёрдам кўрсатиш пайтида ички ишлар идоралари ва бўлимларининг айрим ходимлари суҳбатларда республика ИИВнинг ички ишлар идоралари ходимлари билан олиб бориладиган ишни тартибга солувчи буйруқларини яхши билмасликларини кўрсатдилар, уларнинг баъзилари эса Ўзбекистон тарихини, республиканинг маъмурий-ҳуқуқий бўлиниши, ўзлари хизмат қилаётган вилоятга доир маълумотларни тўлиқ билмайдилар. Бундай ҳодисалар семинар-кенгашда қаттиқ танқид қилинди, қабул қилинган қарорларда эса бугунги кунда ходимларнинг ишбилармонлиги ва маданиятини оширишга доир иш-ни ташкил этиш, улардан хизматда фаолликни оширишга нисбатан талабчанликни, топширилган иш учун масъулият ҳиссини кучайтириш, инсон омилини фаоллаштириш энг асосий масала эканлиги таъкидланди. Интизом ва қонунчиликни бузишга ҳамда ҳуқуққа қарши бошқа хатти-ҳаракатлар қилишга мойил бўлган ходимларни аниқлаш бўйича ишни ташкил этиш ҳам жуда муҳим масала бўлиб қолмоқда. Улар билан яқка тартибда тарбия иши муваффақиятли олиб борилса, тилга олинган ҳуқуқбузишларнинг олдини олишда йжобий самараларга эришилиши аниқ.

Ишончим комилки, профилактик тусдаги белгиланган чораларни муваффақиятли рўйга чиқариш ички ишлар идоралари фаолиятида интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш борасида ўз натижаларини беради.

Я. ТИМОШЕНКО,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлим бошлиғи, ички хизмат полковниги.

АСТОЙДИЛ ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

рахбарларга қадар ҳаммамиз энди шунчаки ишлашимиз керак эмас, балки аввало жиноятларнинг олдини олиш, шахсий таркибни тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликка амал қилиш борасида виждонан, ишнинг кўзини билиб хизмат қилишимиз шарт. Ички ишлар идораларининг раҳбарлари олдида ана шу қарордан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка қаттиқ риоя қилиб, шахсий таркибни ҳозирги шарт-шароитда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича ишни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Ана шу талаблар асосида шахсий таркибдан хизмат бурчини намунали бажариш, ишда гоята интизомли ва маданиятли бўлиш, ҳар бир ходимнинг жиноятчиларга қарши курашдаги ўз ролини чуқур тушуниши талаб қилинади.

Ҳайъатнинг ушбу қарорини пухта бажариш мақсадида ИИВнинг Шахсий таркиб хавфсизлигини таъминлаш, уни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимлари ҳозирги йилда асосий эътиборни интизом ва қонунчиликни бузишларнинг олдини олишга қаратганлар. Бу-

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармаларига жамоат тузилмаларининг фаолиятини жонлантириш, шахсий таркибнинг ўз касб маҳорати ва маданий даражасини ошириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Ана шу ишнинг яқунлари бўйича семинар-кенгашлар ўтказилди, уларнинг бориши жойлардаги оммавий ахборот воситаларида, "Постда", "На посту" газеталарида ёритилди. Уларнинг ишида вилоятлар ИИВ бошлиқларининг ўринбосарлари, етакчи бўлимлар бошлиқлари, ИИВ ва Ички ишлар бошқармалари штаблари, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, шахсий таркиб хавфсизлигини таъминлаш гуруҳларининг бошлиқлари, шаҳар, туман ва темир йўл Ички ишлар бўлимлари, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари бошлиқлари ва уларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар. Бу тадбирлар мавжуд камчиликларни, интизом ва қонунчиликни бузишга олиб келадиган сабабларни аниқлаш, уларни бартараф этишга доир

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Паспорт бўлими бошлиғи муовини, милиция майори **Алишер Пўлатович ТОШМЕТОВ**ни тугилган кунин билан чин дилдан табриклаймиз.

Алишер! Шу эзгу кунда Сизга самимий тилакларимиз бир дунё. Сизга сихат-саломатлик, оилавий бахт тилаб, масъулиятли хизматингизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин деймиз.

Адангиз, опангиз ва синглингиз Дилдора.

Милиция майори **Абдукарим ЖУМАНАЗАРОВ**ни табаррук 40 ёшга тўлганлиги муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.

Азиз дадажонимиз, Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Қизларингиз Нилуфархон, Шаҳнозахон, ўглингиз Ҳалимжон ва турмуш ўртоғингиз Ҳайринисо.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси бўлим бошлиғи ўринбосари милиция майори **Р. Н. САИДВАЛИЕВ**ни 40 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қўтлаймиз!

Унга узоқ умр, сихат-саломатлик, келажак ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз!

Қирчиллама ёш муборак, Раҳим Набиевич!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби.



"ХАЙР, БОҒЧАЖОН, БОҒЧА!"

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ИИВга қарашли 5- "Наврўз" болалар боғчасида қирқдан ортиқ кичкинтой сеvimли мураббийлари ва укалари билан хайрлашиб, мактаб сари йўл олиш учун шиннам залга йиғилдилар.

Болалар боғча билан хайрлашишга бағишланган ўз байрамларига астойдил тайёрландилар. Бунда уларга мусиқа раҳбари С. Смирнова, тарбиячилар З.

Беришева, Н. Михашова, В. Давлатгелдиева, Г. Саидбоевалар катта ёрдам беришди. К. Маматова, Х. Абдуразоқова, Н. Азимова, К. Спивак, А. ва С. Максютова каби тарбиячиларнинг ўқиган шеърлари, рақслари ота-оналарга жуда ёқди.

Боғча жамоасига саъй-ҳаракатлари учун

республика ИИВ хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари Д. Қаюмова миннатдорчилик билдирди ва табрик хатини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ касаба уюшмаси бирлашган кўмитасининг раиси Х. Жалилова болалар боғчаси ходимларига ҳалол меҳнатларини тақдирлаб, пул мукофотларини топширди.

Суратларда: тантана лавҳалари.

Муаллиф олган сурат.



